МАМЛАКАТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИШДА АНЪАНАВИЙ КАШТАЧИЛИКНИНГ АҲАМИЯТИ

М.АХУНОВ, Н.АБДУЛЛАЕВА

В статье рассматриваются возможности восстановления и развития национального прикладного искусства вышивки в Ферганской долине.

The article deals with the possibility of rebirth and development of sewing handicraft art in Fergana valley.

Мамлакатимиз иқтисодиётида юз бераётган жиддий таркибий сифат ўзгаришлари даврида ҳам халқимиз ўтмиши ва бугуни, орзу-истаклари, ўй-хаёллари билан боғлиқ каштачилик ҳунарини асраб, авайлаб келмоқда. Каштачилик ҳунарини ривожлантириш, келгуси авлодларга етказиш нафақат ҳар бир ўзбек каштачи аёлининг, балки барчамизнинг инсоний бурчимиздир. Каштадўзлик ҳунарини сақлаб қолиш учун ҳозирги замонавий кашталарда, қадимги урф-одатларни, кашта маҳсулотларини тайёрлаш усулларининг барча турларини, нақш безакларини ҳам сақлаган ҳолда уйғунлаштириб каштлар яратиш талаб қилинади.

Ватанимиз мустақилликка эришгандан сўнг халқимиз ўзининг миллий анъаналарини, урф-одатларини қайта тиклашга бел боғлади, жумладан, миллий ҳунармандчиликка бўлган қизиқиш янада ортди. Бу бежиз эмас. Зеро, Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига ўтишининг ўзига хос йўли мавжуд бўлиб, “Бу йўл ва андоза иқтисодиёти бозор муносабатлари асосида қурилган, ривожланган мамлакатларнинг кўп асрлик тажрибасига, шунингдек, Ўзбекистон халқининг миллий тарихий мероси, турмуш тарзи, анъаналари ва руҳияти ҳусусиятларига таяниши лозим” [1.5]

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг 1997 йил 31 мартдаги 1741-сонли “Халқ бадиий ҳунармандчиликлари ва амалий санъатини янада ривожлантиришни Давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони худди шу ҳол билан боғлиқ чиқарилган бўлиб, республикамизда яшовчи барча халқлар сингари Фарғона водийси аҳолисининг ҳам бадиий ҳунармандчилик ва амалий санъатга бўлган қизиқишини оширди.

Водийнинг қадимий шаҳарларидан Андижон, Наманган, Фарғона, Қўқон, Марғилонда бу борада ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, бу шаҳарларнинг ҳаммасида ҳунармандчилик уюшмалари ташкил қилиниб, улар шаҳар ва қишлоқлардаги ҳунармандлар фаолиятини ривожлантириш, ҳунармандчилик анъаналарини тиклаш ва давом эттириш билан шуғулланмоқда. Андижонда Манзурахон Юсупова, Марғилонда Расулжон Мирзааҳмедов, Наманганда Икромжон Каримов бошчилигида уюшмалар қадимги ҳунармандчилик анъаналарини сақлаб қолиш йўлида бир қанча ишлар амалга оширилмоқда.

Ушбу уюшмаларининг ҳар бири 50 дан зиёд турли ҳунар эгаларини бирлаштирган. Хусусан, анъанавий каштачилик билан шуғулланаётганлардан уюшма раҳбари Манзурахон Юсупова қадимги нақш орнаментларни қайта тиклаш ва келгуси авлодга етказиш мақсадида илмий ва амалий фаолиятни бирлаштирган бўлса, Гулнора Шарипова, Мухайё Нишонова, Моҳигул Деҳқонова, Гулнисо Жумабоева каби кўплаб аёллар бевосита каштачилик билан машғул бўлиб, кашта буюмларидан чорси, дўппи, тагчойшаб, девор чойшаб, дўппи каби маҳсулотлар тайёрламоқдалар.

Наманганда Икромжон Каримов, Марғилонда Расулжон Мирзааҳмедов ўзларининг 10 дан зиёд шогирдлари билан бирга қадимги кашта чоклар асосида кашта буюмлари яратиб, нафақат водий бозорлари, балки “Бозор Арт” ҳамда “Стайл Уз” ярмаркаларида қадимги кашта буюмлари ва кашта матолари билан қатнашиб, хориж мамлакатлари бозорларига ҳам чиқмоқдалар. Шунингдек, бу ҳунармандлар турли кўргазма ва конкурсларда иштирок этиб, миллий каштачилигимизни дунёга танитмоқдалар. Масалан, Марғилон ҳунармандлар уюшмаси раҳбари Расулжон Мирзааҳмедов 2006 йилда КаКСа ва ЮНЕСКО доирасида ўтказилган “Сифат белгиси” мусобақасида олий бахмал матоси билан қатнашиб, “Сифат белгиси” нишонини ва пул мукофотини қўлга киритди; ўз маҳсулотлари билан яна Япония, Франция, АҚШ давлатларида ўтказилган халқаро кўргазмаларда қатнашди.

Каштачиларнинг иш фаолиятига бир қур назар ташлагандаёқ бу касбнинг маънавий-эстетик томонлари кўзга ташланади. Масалан, дўппи олам яралиши билан боғлиқ: дўппида тўрт томон бўлиб, тўртала тарафда ҳам симметрик ҳолда гуллар жойлашган. Дўппининг кизак қисми гори-

зантал ҳолда бир-бирига параллел жойлашган гуллардан иборат. Дўппи тикиш математик ҳисоб-китоб асосида олиб борилса, чорси тикишда тўғри чизиқ, эгри чизиқ ва бошқа турли геометрик фигуралар билан нақш солинади; гулларни танлаш, жойлаштириш, уларга мос рангдаги ип танлашда табиатда мавжуд ранглардан андоза олинади. Бу эса инсонни табиатдан, ундаги гўзал нарсалардан бахраманд бўлишга ўргатади, эстетик дидини тарбиялайди.

Энг асосийси, ҳунармандчиликнинг қайси тури билан шуғулланишидан қатъи назар, ёшларнинг устоздан касб-ҳунар сирларини ўрганиши уларда каттага ҳурмат, кичикка иззатда бўлишдек умуминсоний қадриятларни шакллантиради. Иккинчи томондан, ёшларни бўш вақтларида оила бюджетини мустаҳкамлашга ҳисса қўшишга ўргатади. Ёшларни гўзалликни севишга, ҳаётга ижодий назар билан қарашга, табиатни, ҳаётни севишга, сабр-тоқатли бўлишга ўргатади.

Республикамиз Президенти И.А.Каримов 2006 йилнинг 5 январда чиқарган “Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасидаги кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳунармандчилик, хусусан, миллий каштачилик ривожига жуда катта ёрдам беради. Зеро, ундан кўзлаган мақсад миллий шароитимизга мос уй меҳнати турларини кенгайтириш, уларни ишлаб чиқарувчи корхоналар ҳамда оилавий бизнес – тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришдир.

Ҳунармандлар томонидан тайёрланадиган кашта буюмлари кўп меҳнат талаб қилса-да, кам чиқим ҳисобланади. Анъанавий тарзда каштачилик, асосан, аёллар ва қизларнинг қўл меҳнати билан уй шароитида ривожланган. XIX аср охири XX аср бошларида Фарғона водийсининг йирик шаҳарларидаги бозорлар ўзининг гавжумлиги, сотиладиган молларнинг тури ва миқдорининг кўплиги, тузилиши, бозор аҳли этник таркибининг турли бўлганлиги билан бошқа худуд бозорларидан ажралиб турган. Бозорларнинг савдо айланмасида кашта буюмлари, каштачиликда ишлатиладиган мато ва ашёлар салмоқли бўлган.

Вилоятимиздаги маҳаллий бозорларни ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, ҳозирда эркаклар дўппилари турларига қараб, ўртача 40 – 80, қизлар дўппилари 10 – 50, чорсилар 2 – 20, каштали ёстиқ ғилофлари 10 – 20 минг сўмгача тайёрлаб сотилмоқда. Яхши маълумки, анъанавий тарзда каштадўзлик билан боғлиқ меҳнат тақсимоти шаклланган. Буни дўппидўзлик мисолида кўриш мумкин. Битта эркаклар дўпписини тайёрлашда бир нечта одам иш бажаради: уларнинг ҳар бири конкрет бир вазифани бажариб, бунинг эвазига маълум миқдорда даромад топади. Дўппининг таглик матосига гул чизиб сотувчилар хом ашёга 2 минг сарфлаб, 5 - 7 минг сўмдан сотади. Тагликка гул чизиш учун ўртача 30 минут вақт сарфланади, демак, меҳнат ҳақи 3 мингдан 5 минг сўмгачани ташкил қилади. Дўппи гулини тикиб сотувчилар битта дўппи гулини тикишга ўртача 5 – 10 минг харажат қилинади, 3 – 7 кун вақт сарфланади ва ўртача 20 - 35 минг сўмдан сотилади (нозик дид билан моҳирона тикилган дўппи гуллари эса 70 минг сўмгача сотилади). Дўппини тепчима чок билан тепчиб беришга 1 – 3 кун сарфланади, битта дўппини тепчиб бериш учун иш ҳақи 5 мингдан - 15 минггача бўлиши мумкин. Тепчилган дўппини пилталаш ишини ҳам, дўппи тепчувчилар бажарадилар. Дўппининг кизак ва тепа қисмини қўшиш, кизак остига жияк тортиш ва пресслашни битта дўппи тайёрловчи бажаради. Битта дўппини тайёрлаш учун 1 кун вақт сарфланади. Битта дўппидан ишнинг сифатига қараб 20 мингдан 30 минггача фойда қолади. Тайёр дўппини сотувчиларга, агар битта дўппи сифати ва бозордаги нарх-навога қараб 50 мингдан - 100 минг сўмгача сотилиши ҳисобга олинса, 5 мингдан -10 минг сўмгача фойда қолади.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, битта дўппини тайёрлашга камида 7 кишининг меҳнати талаб этилади. Демак, меҳнат тақсимотини ҳисобга олган ҳолда кашта буюмлари тайёрлашга ихтисослашган махсус каштачилик корхоналари, фирмалар ташкил қилиш мумкин. Яъни бугунги бозор иқтисоди шароитида каштадўзлик тадбиркорлик ва ишбилармонлик фаолиятини ривожлантириш учун замин бўла олади. Ушбу йўналишдаги ишларни яхши йўлга қўйиш орқали ҳам ижтимоий-иқтисодий (иш билан таъминланиш ҳолатининг яхшиланиши, аҳоли фаровонлигининг ортиши), ҳам маънавий-тарбиявий (миллий қадриятларни асраб-авайлаш, уларга ҳурмат ҳиссининг тарбияланиши; устоз-шогирд анъаналарининг кенг кўламда тикланиши) самара беради. Энг муҳими, каштачиликка ихтисослашган кичик корхоналарнинг ташкил қилиниши табиий равишда уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш заруратини юзага келтирадики, бу кейинча йирик бирлашмаларнинг пайдо бўлишига замин ҳозирлайди.

Эҳтимол, бу фикримиз шунчаки хаёл, ушалмас бир орзудек кўриниши мумкиндир. Бироқ жиддий ўйлаб кўрилса, у реал асосга эга. Фақат унинг амалга ошиши учун каштачиликка ихтисослашган бирлашмаларнинг пухта ўйланган, истиқболга

қаратилган стратегик режа асосида иш юритиши лозим бўлади. Табиийки, бундай бирлашмалар замон талабларига мос меҳнат тақсимотини амалга ошириш имконига эга бўлади. Албатта, янги меҳнат тақсимоти анъанавий меҳнат тақсимотини бугунги кун талаблари даражасида такомиллаштириш асосида амалга оширилади. Бунда, бизнингча,

биринчидан, қадимги каштачилик эскизларини тиклаш, анъаналарни ривожлантириш асосида замон талабига мос гул эскизларини ишлаб чиқиш; кашта буюмлари билан бир қаторда кашта элемент сифатида қатнашувчи енгил саноат маҳсулотларини лойиҳаловчи илмий ишлаб чиқариш дизайн марказларини ташкил қилишга;

иккинчидан, кашта буюмларининг ички ва ташқи бозорларда сотилиши, уларга бўлган ўзимиздаги ва хориждаги талабни ўрганиш, дизайн маркази томонидан ишлаб чиқилган лойиҳаларни саноатга татбиқ этиш, чет эл сармояларини олиб кириш каби масалалар билан шуғулланувчи маркетинг хизматини шакллантиришга алоҳида эътибор берилиши лозим бўлади. Зеро, худди шу икки жиҳат каштачилик соҳасидаги анъанавий меҳнат тақсимотига янгилик бўлиб қўшиладигина эмас, балки соҳанинг ривожланишида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади.

Шуни айтиш жоизки, бугунги бозор муносабатлари шароитида ҳам каштачилик буюмларига бўлган эҳтиёж камайган эмас: чорси, Марғилон, Чуст, Андижон дўппиларини бозорлардаги харидоргир товарлар сирасида санаш хато бўлмайди.

Фарғона водийсидаги аҳолининг каштадўзлик анъаналарига муносабати ва кашта буюмларига бўлган талабни ўрганиш мақсадида 55 та саволдан иборат саволнома тузилиб, Фарғона вилоятида, Наманган шаҳрида ва Андижон шаҳри ҳудудида сўроқнома ўтказилди. Сўров натижаларга кўра, жумладан, сўралганларнинг 89 % и аёллар дўпписи, 80 % и эркаклар дўпписи ҳозирги кунда ҳам кераклигини қайд этганлар. Шунингдек, 79 % респондентлар кашта тикишда нималардан фойдаланилишидан хабардор ва каштачиликка қизиқиши борлигини айтган бўлса, 16 % и оналарининг каштачлик билан шуғулланганларини маълум қилганлар. Сўров натижаларидан кўриниб турибдики, сайлаб олинган ушбу кўрсаткичларнинг ўзиёқ: 1) Фарғона водийсида каштачилик буюмларига эҳтиёж борлигини, 2) минтақада каштачиликни ривожлантириш учун зарур меҳнат ресурслари етарли эканлигини, 3) халқ руҳида анъаналар, хусусан, каштачилик анъаналари яшаб келаётганини яққол намоён этади. Яъни Фарғона водийсида каштачиликни замонавий асосларда ривожлантириш учун имкониятлар етарлидир.

Модомики шундай экан, анъанавий каштачилик кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, янги иш ўринларини ташкил этиш орқали каштачиликда тажрибага эга бўлганлар қатори тажрибасиз қиз-жувонларни ҳам иш билан таъминлаш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини ошириш каби масалаларни ҳал этишда муҳим омил бўла олади.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А.. Ўзбекистон - бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли.- Т.: Ўзбекистон, 1993
2.Каримов И.А.. Ўзбекистон - бозор иқтисодиётини чуқурлаштириш йўлида.- Т.: Ўзбекистон, 1992
3.Турсуналиев К. Тюбетейка – один из излюбленных головных уборов народов Узбекистана. - Т: Фан, 1990
4. Головин И. И. Кустарные промыслы Туркестана. – Т.,1909

Андижон давлат университети,
2012 йил 20 февралда қабул қилинган.